

Фарзанд доимо ота-онага ширин сўзларни айтиши вожибдир (иккинчи мақола)



11:14 / 11.07.2020 2084

islom.uz · 68 – ??????? ?????? ???-????? ????? ?????????? ??????? ??????????(2)

4. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири уларга тавозуъ кўрсатиб, меҳрибонлик қилишдир.

Аллоҳ таоло айтади:

«Уларга меҳрибонлик ила хокисорлик қанотини пастлат» («Исро» 24-оят).

5. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири уларнинг олдига изн сўраб киришдир.

Аллоҳ таоло «Нур» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

«Қачон сизнинг ёш болаларингиз балоғатга етсалар, улардан олдингилар изн сўраганидек, изн сўрасинлар» (59-оят).

Балоғатга етган ўғил-қизлар, улардан олдин изн сўраб юрган катта кишилар каби, ота-оналари ва бошқалар ҳузурига изнсиз киришлари мумкин эмас.

Ривоятларда келадикки, саҳобаи киромлардан бири ушбу оят нозил бўлганидан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб:

«Ё Расулаллоҳ, менинг онам қариб қолган, мен унинг хизматини қилиб тураман, ҳар кирганимда рухсат сўрашим керакми?» – деганида Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Нима, бўлмаса онангни кийимсиз ҳолда кўрмоқчимисан?!» – деганлар.

Айнан шу мулоҳаза туфайли, балоғатга етган болалар, бир оила аъзолари бўлсалар ҳам, бир-бирларининг ҳузурларига киришдан олдин изн сўрашлари жорий қилинган.

6. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири улар келганда ўрнидан туриб, кутиб олишдир.

Абу Довуд, Термизий ва бошқалар келтирган ривоятда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо қуйидагиларни айтадилар:

«Кўринишда, ҳайбатда, ўзини тутишда, ўтириш ва туришда Фотимачалик Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшаш одамни кўрмадим. Агар у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирса, у зот ўринларидан туриб, ўпиб кутиб олар ва ўз ўринларига ўтқазар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига кириб қолсалар, у туриб, у зотни ўпиб кутиб олар ва ўз ўрнига ўтқазар эди».

7. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири – уларни исми билан атамаслик, улардан олдин юрмаслик ва ўтирмаслик.

Ҳишом ибн Урвадан, у отасидан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайра икки кишини кўрди ва улардан бирига:

«Бу киминг бўлади?» – деди.

«Отам бўлади», – деди у.

«Ундай бўлса, уни исмини айтиб чақирма, олдига тушиб юрма ва ундан олдин ўтирма», – деди».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Фарзанд ота-онасига, ҳурмат билан, «отажон», «онажон» дея ёки бошқа эҳтиром маъносидаги сўзлар ила мурожаат қилиши лозим. Ота-онасининг исмини бошқаларнинг исмини айтгандек айтиш мусулмончилик одобига тўғри келмайди.

Шунингдек, йўлда юрилганда ҳам ота-онадан кейин юриш керак, олдинга ўтиш мумкин эмас. Бир ерга ўтирмақчи бўлсалар, аввал ота-она, кейин бола ўтириши лозим.

(Давоми бор)

Биринчи мақола

«Бахтиёр оила» китобидан